O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTOB PALATASI

АДОЛАТ ҲАР ИШДА ҲАМРОҲИМИЗ ВА ДАСТУРИМИЗ БЎЛСИН!

ИНСОН ВА ҚОНУН

2001 йил 8 май, сешанба № 19 (223) Сотувда эркин нархда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ 1996 йилнинг январидан нашр этилади

9 май - Хотира ва қадрлаш куни

«СЕН ДОИМ ҚАЛБИМДАСАН, ЖИГАРИМ!»

Бундан йигирма йил аввал, қишнинг қаҳратон кунларида онам дунёдан ўтган. Ўшанда у саксон ёшдан ошган, тилдан қолиб, бир йилча тўшакка михланиб ётган эди.

Онам раҳматли сўнгги нафасигача тиқ этса, эшик қараб, акамнинг йўлига термулиб, кўзи орқасида бўлиб дунёдан ўтди. Бир дунё ҳасратни ичида олиб кетди.

Акам раҳматли 1937 йили аскарликка чақирилган, хизматни ўтаб, энди юртга қайтаман, деб турганида уруш бошланган, шу орада бир-иккита хат келган, кейин у бедарак кетган эди. Кўрган-билганлардан бири: «Жангга кириб, қайтиб чиқмади», деса, бошқа бири: «Власовчиларга ўхшаб асир тушган бўлса керак», деди, хуллас, изи топилмади.

У замонда на асир тушган, на бедарак кетганларни сўраб-суриштириб бўлмас эди.

Мен онам шўрлик кўчага чиқиб, йўл қараб ўтирганига кўп гувоҳ бўлганман. Шундай пайтларда таскин берувчи бир гап топа олмас эдим.

Касал бўлиб ётиб қолишларига ҳам аслида куйиниши сабаб бўлган. Бир кун олдин акам билан бирга униб-ўсган Нурмурод ака онамни бир кўриб кетай, деб келган экан. Бу пайтда замон анча юмшаб қолган эди. Акамни эслашиб, алламаҳалгача суҳбатлашиб ўтиришди...

Эрталаб қарасам, онам тилдан қолибди, бир қўл, бир оёғи ишламайди...

Онамнинг вафотидан кейин мен акамни дараклаб, кўп хатлар ёзганман, аммо тайинли жавоб олганим йўқ.

Ўтган йили келинларим Тошкентга келишганда, Хотира майдонига боришибди, вилоятимиздан урушга отланиб, кейинчалик жангларда фидо бўлган аскарлар рўйхатида менинг акамнинг ҳам исмишарифи қайд этилганини кўришибди.

Шунинг дарагини улардан эшитгач, ҳаловатимни йўқотдим. Кеча келиб, Хотира китоби саҳифаларига ўйиб битилган: «Шарипов Равшан. 1917 йил туғилган. Ўлган йили номаълум», деган ёзувни ўз кўзим билан кўрдим. Кўриб, юрагим тўлиб кетди.

Файзли, тароватли, сокин ва осойишта хиёбон адоғида мунғайиб, оғир ўйга толиб ўтирган «Мотамсаро она» ҳайкалига кўзим тушганида, ўғлини ўйлаб, ғуссага ботиб ўтирган раҳматли онамни кўргандай юрагим тўлиб кетди. «Мотамсаро она»нинг кўнглидаги фикр ҳайкал пойига зарҳал ҳарфлар билан битиб қўйилган: **«Сен доим қалбимдасан, жигарим!»**

Бу — ҳаммамизнинг, отинг ўчгур урушда ўғлини, акасини, укасини, жигарларини йўқотган ҳар бир инсоннинг кўнглидаги, юрагидаги дарддир.

Хотира майдонини зиёрат қилгач, Хотира китобида шу давргача ўлиги ҳам, тириги ҳам номаълум бўлган, эски замондан қолган қўрқув туфайли яқин-яқингача исмишарифини ҳам тилга олишга чўчиган акам раҳматли каби кўплаб ҳамқишлоқларимиз номини кўриб, кўнглим таскин топди.

Шу кунларга етказганига шукр қилдим.

Менга ўхшаган, бағри куйган кишиларнинг дардига малҳам бўладиган шундай одамийликни, кўпдан-кўп савоб ишларни қилаётган ҳурматли Президентимиз Ислом Каримовнинг ҳақига узоқ дуо қилдим.

Менга ўхшаб дуо қилаётганлар Хотира майдонида беҳисоб. Халқимиз бу сўлим масканни мўътабар зиёратгоҳ билиб, узоқ-яқиндан келиб, уруш қолдирган айрилиқ жароҳатларига шу ердан таскин топмоқда.

Хотира майдонида одамнинг кўнглидан жуда кўп ўйлар ўтар экан.

Қаранг, шу уруш қанчадан-қанча одамларнинг ёстиғини қуритди, қанча одамларнинг ҳаётини бузиб ташлади, қанча келинчакларни сарғайтириб сўлдирди, уларнинг нене орзу-умидларини хазон этди.

Одамлар емаса-емади, ичмаса-ичмади, топган-тутганини урушга, душманни енгишга сарфлади. Душман ҳам, нарёғини олиб қарасангиз, сиз билан бизга ўхшаган одамлар эди. Урушга тортилган барча халқлар урушдан кейин ҳам йигирма йилгача ўзини ўнглай олмай, қийинчилик билан яшагани ҳаммамизнинг ёдимизда. Шунинг учун ҳам уруш жафосини бошидан кечирган авлод: «Урушнинг оти ўчсин!», дейди.

Юрагидан ситам ўтган халқимизнинг қарғиши бу: **«Урушнинг оти ўчсин!»**

Уруш бу — жаҳолат, беш йил уруш бўлган бўлса, худди ўлик чиққан уйда яшагандек бўлганмиз.



Урушда қанчадан-қанча одам қурбон бўлди, уларнинг аламли хотираси доимо бизни тинчликни кўз қорачиғидек киприкда асрашга ундайди!

Ҳаётимизнинг тинчлигига, осмонимизнинг мусаффолигига, юртимизнинг ободлигига нима етсин!

Менинг ўн бир фарзандим, қирқта неварам, олтита чеварам бор. Улар кенг ҳовлимизни тўлдириб юришади, болаларнинг қийқириғи дунёни тутиб кетади. Булар ҳаммаси тинчликнинг шарофати эмасми, ахир?!

Одам боласи бу дунёга бир марта келади. Умрни яхшиликка сарфлаш керак. Одамларнинг уйлар, кўприклар қуришига, боғу бўстонлар яратишига, бир-бирига меҳр кўрсатишига нима етсин!

Хотира майдонида мана шу ўйлар менинг кўнглимдан ўтди.

Тинчлик бўлса, мана шундай савоб ишлар қилинади, юрт обод бўлади, ёшлар ўқиб камол топади. Биз — кексалар ҳаётимизга файз киритаётган мана шундай ўзгаришларни, фарзандларимизнинг, невараларимизнинг бахту иқболини кўрсак, умримизга умр қўшилади. Шунинг учун ҳам бу кунларни кўзга тўтиё қилгинг келади.

Санам ШАРИПОВА,
Навбаҳор жамоа хўжалиги,
Навоий вилояти

ЎЗБЕКИСТОН-РОССИЯ:

"Кремль мисли кўрилмаган дўстона қадам қўйди ва буни шунчаки эмас, онгли тарзда қилди", - деб ёзади «Известия» газетаси.

Россия матбуоти мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг ушбу мамлакатга иккинчи ташрифини ана шундай юксак баҳоламоқда. Президентимизнинг 3-5 май кунлари Россия Федерациясига қилган давлат ташрифи мамлакатимизнинг халқаро майдонда нуфузи ошиб бораётганидан яна бир далолатдир. Зеро, Россиядек қудратли давлатнинг Президенти узоқ тарихга эга бўлган анъанавий дипломатик тартиб-қоидаларни бузиб бўлса-да, Ўзбекистон Президентига расмий давлат ташрифи билан келишни таклиф этди. Умуман, Владимир Путин бошчилигидаги Россия давлатининг Ўзбекистонга муносабати икки мамлакат тарихида янги даврни бошлаб берди, десак, асло муболаға бўлмайди.

Давлатлар бир-бири билан алоқаларга киришар экан, энг аввало, ўз манфаатлари устуворлигини кўзлайди. Ўзбекистон ва Россия Президентларининг бу галги учрашувида эса Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистон хавфсизлигига биринчи даражали масала сифатида қаралди.

Марказий Осиё минтақасидаги барқарор тинчлик ва осойишталикдан Ўзбекистон ва Россия тенг манфаатдордир. Нега деганда, Марказий Осиё, айниқса, Ўзбекистон Россия учун диний экстремизмнинг ўз ҳудудига кириб келишига тўсиқ бўлиб турган ўзига хос истеҳком саналиши ҳеч кимга сир эмас. Табиийки, минтақамиздаги тинчлик ва барқарорлик Россия учун, айниқса, Шимолий Кавказдаги айни пайтдаги зиддиятли вазиятдан келиб чиқиб қарайдиган бўлсак, ўта муҳимдир. Россиялик сиёсатчилар ҳам Марказий Осиёда минтақавий хавфсизлик тизимини Ўзбекистон иштирокисиз тузиш мутлақо мумкин эмаслигини қайта-қайта таъкидлашмоқда. Бу ҳол хавфсизлик масаласига янада жиддийроқ эътибор бериш, умумий гапларга чек қўйиб, аниқ ишлар билан ҳаракат қилишни тақозо этади.

Ташриф якунлари ҳақидаги хулосалардан маълум бўлдики, бу борада муҳим келишувларга эришилган.

Ўтган йилда икки мамлакат ўртасидаги савдо айланмаси 17 фоизга ошган ва у 1 миллиард АҚШ долларини ташкил этади.

Маълумки, мамлакатимизда 520 та Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси, шунингдек, Россия фирма ва компаниялари рўйхатга олинган. Россияда эса Ўзбекистон сармояси иштирокида тузилган 250 га яқин қўшма корхона мавжуд. Бироқ музокаралар давомида бу рақамлар иккала томонни ҳам қониқтирмаслиги аён бўлди, келгусида савдо айланмасини 2-3 бараварга ошириш ҳақида сўз борди. Президентимизнинг фикрича, бунга фақат импорт ёки экспорт маҳсулотларини кўпроқ айирбошлаш билангина эмас, қўшма корхоналарда ҳамкорликда маҳсулотлар ишлаб чиқариш орқали эришиш мумкин. Ислом Каримов Россия ҳукумати раиси Михаил Касьянов билан ўтказилган мулоқотда асосий эътиборни савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришга қаратди.

Президентимизнинг Москва Давлат Университети вакиллари билан ўтказган самимий учрашуви кўпчиликнинг ёдида узоқ сақланади. Юртбошимизнинг таълим-тарбияга оид қимматли фикрлари россиялик етук мутахассисларни ҳайратга солди. Бир сўз билан айтганда, МДУдаги учрашув Россия жамоатчилигининг, айниқса, илм аҳлининг Ўзбекистонда кадрлар тайёрлаш тизими ҳақидаги тасаввурларини бойитиб қолмай, уларда ижобий таассурот уйғотди. МДУ профессор-ўқитувчиларининг учрашувда билдирган фикрлари ҳам бунинг исботидир.

Шуниси эътиборга сазоворки, Россиянинг анча "шафқатсиз" матбуоти, хусусан, "Независимая газета", "Известия", "Комсомольская правда", "Федеральная газета", "Труд" каби нашрлар ташрифни кенг ёритиш баробарида, Ўзбекистон ва унинг раҳбари хусусида илиқ, самимий ва айни пайтда холис фикрларни ёздилар. Бугунги Ўзбекистон тенг ҳуқуқли ҳамкор ва тараққиётга юз тутган бир мамлакат эканлигини таъкидладилар.

Рўзибой САИДОВ

3-5 май кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Россия федерацияси Президенти Владимир Путиннинг таклифига биноан расмий давлат ташрифи билан ушбу мамлакатда бўлди.

* * *

2 май куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг **"Қатағон қурбонларини ёд этиш кунини белгилаш тўғрисида"**ги Фармони эълон қилинди. Фармонга биноан, қатағон қурбонларини ёд этиш маросими ҳар йили мамлакатимиз мустақиллиги арафасида — 31 август куни **"Шаҳидлар хотираси"** ёдгорлик мажмуида ўтказиладиган бўлди.

* * *

Куни кеча "Ҳавас-2001" турнири якунланди. Бу галги мусобақада 112 нафар раҳбар кортга тушди. Турнирнинг якка тартибдаги бахсларида Республика Миллий хавфсизлик хизмати ходими Ф.Турсунов, жуфтлик ўйинларида эса Наманган вилоят хокими Т.Жабборов ва "Телеком" акционерлик компаниясининг Наманган вилоят филиали директори О.Носировлар ғолиб деб топилди.

* * *

Жиззах вилоятида ўтказилаётган **"Баркамол авлод"** спорт ўйинлари ниҳоясига етди. Якуний натижаларга кўра Тошкент шаҳри биринчи, Наманган вилояти иккинчи, Тошкент вилояти вакиллари учинчи ўринларни эгаллашди.

* * *

Кеча 2002 йил Жанубий Корея ва Японияда бўлиб ўтадиган Жаҳон чемпионатининг Осиё қитъаси 7 саралаш гуруҳининг иккинчи давра ўйинлари охирги учрашуви ўтказилди. Унда ҳамюртларимиз Иордания терма жамоаси билан учрашдилар. Ушбу ўйин натижасидан қатъий назар Ўзбекистон терма жамоаси кейинги босқичга йўлланма олишди.

* * *

Шу йилнинг 12-13 май кунлари Россиянинг Твер шаҳрида ўзбек кураши бўйича ўсмирлар ўртасида 2-жаҳон чемпионати ўтказилади. Унда дунёнинг 20 га яқин давлатларидан энг кучли полвонлар иштирок этиши кутилмоқда.

Адлия тизими

АНДИЖОН

Андижон вилояти Адлия бошқармаси қошида лотин алифбосини ўрганиш бўйича 3 ойлик ўқув курси ташкил этилган эди. Яқинда курснинг биринчи сабоғи якунланди ва битирувчиларга махсус гувоҳномалар топширилди. Шунингдек, бошқарма қошида вояга етмаган ёшлар билан ишлаш гуруҳи ҳам ташкил этилди. Ўтган ҳафта давомида мазкур гуруҳ Олтинкўл, Балиқчи, Марҳамат, Асака туманларида бўлиб, ёшлар ўртасида диний экстремизм, терроризм, ақидапарастликка қарши кураш, жиноятчиликнинг олдини олиш мавзуларида ўқув семинарлари ўтказди.

Бундан ташқари, бошқарма қошида ҳуқуқий хизмат кўрсатиш бўлинмаси ҳам очилган. Бўлинма мулкчилик шаклидан қатъий назар, барча юридик ва жисмоний шахсларга ҳуқуқий хизмат кўрсатмоқда.

СУРХОНДАРЁ

2001 йилнинг биринчи чорагида Сурхондарё вилояти адлия бошқармаси 13 нафар тадбиркорнинг манфаатини кўзлаб, вилоят хўжалик судига даъво аризалари киритди. Уларнинг барчаси қаноатлантирилди.

***

Ўтган ойда 11 нафар хусусий тадбиркорнинг даъво аризалари фуқаролик судларига тақдим этилди. Уларнинг 6 нафари қаноатлантирилди. Қолганлари эса суд томонидан кўриб чиқилмоқда. Шу кунга қадар адлия бошқармаси ташаббуси ва кўмаги билан жавобгар ташкилот ва мансабдор шахслардан якка тадбиркорлар фойдасига 3.500.000 сўмдан зиёд пул ундириб берилди.

***

Тадбиркорлик фаолиятига ноқонуний аралашган, унинг ривожига тўсқинлик қилаётган 14 нафар мансабдор шахсни интизомий жавобгарликка тортиш ҳақида мутасадди ташкилотларга таклифлар киритилди. 3 та фермер хўжалиги фаолияти қайта тикланди.

***

Адлия бошқармаси Термиз шаҳрида жойлашган "Бексултон" хусусий фирмаси манфаатини кўзлаб, вилоят ҳудудий коммунал фойдаланиш бирлашмасига нисбатан даъво аризасини хўжалик судига киритди. Даъво қаноатлантирилди ва жавобгардан 3.018.229 сўм ундирилди. Шунингдек, "Жасур" жамоа корхонаси фойдасига адлия бошқармасининг даъвосига мувофиқ Термиз шаҳар Капитал қурилиш бошқармасидан 1.237.697 сўм ундириб берилди.

Шу билан бирга, адлия бошқармасининг даъво аризасига мувофиқ, вилоят хўжалик суди қарорига биноан Термиз туманидаги "Довон" хусусий кичик корхонасининг фойдасига вилоят ҳудудий коммунал фойдаланиш бирлашмасидан 6.778.666 сўм ундириб берилди.

ХОРАЗМ

Вилоят адлия бошқармасига ўтган бир ҳафта мобайнида 56 нафар жисмоний шахс ариза ва шикоят билан мурожаат қилди. Мазкур мурожаатларни кўриб чиқиш ва қонуний нуқтаи назардан ҳал қилиш бўйича чора-тадбирлар белгиланди.

* * *

Бошқарманинг кичик ва ўрта тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ҳамда ҳимоя қилиш бўлими Қўшкўпир туманидаги "Муаттар" фермер хўжалиги раҳбари Ж.Ражабовнинг аризаси бўйича текшириш ўтказиб, унинг 408 минг сўм миқдордаги дебиторлик қарзи ва маънавий зарарини қоплаш юзасидан Боғот туманлараро фуқаролик судига даъво аризаси киритди. Янгибозорлик А.Юсуповнинг аризаси юзасидан ўтказилган текшириш якунларига кўра эса мазкур туман ҳокимлигига тақдимнома жўнатилди. Ушбу бўлим апрел ойи мобайнида 10 та шикоят аризаси олди.

Шу сонга хабар

ҚОНУННИ БИЛГАН ЮТАДИ

Чимбойлик фермер Нурилла Қипшақбоев «Майжап» ширкат хўжалигини судга бериб ютиб чиқди

- Агар пулимни вақтида беришганда хўжалик бошқаруви билан судлашмасдим, - деди фермер «Туркистон-пресс» мухбирига. - Республика хўжалик суди 1998 йилги «Майжап» ширкат хўжалигига топширган 27 минг 660 килограмм шоли учун 768 минг 301 сўм асосий, 384 минг 150 сўм устама, жами 1 миллион 152 минг 451 сўм, шунингдек, 1996-2000 йиллар давомида ширкат хўжалигига топширган сут маҳсулотлари учун 322 минг 593 сўм асосий ва 322 минг 593 сўм устама, жами 645 минг 186 сўм жарима ҳисоблаб қарор чиқарди. Адолат қарор топгани учун адлия ходимларидан хурсандман. Чунки пулимни ололмаяпман деганимда, улар судга мурожаат қилинг, деб йўл-йўриқ кўрсатганди.

- Қонунни пухта билган, ўз ҳақ-ҳуқуқини таниган киши қийналмайди. Буни Нурилла аканинг судда ғолиб чиққанидан ҳам кўриб турибсиз, - деди Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлигининг бўлим бошлиғи Азамат Боймуротов. - Фермерлару тадбиркорлардан аризалар келиб тушиши давом этаяпти. Шундан фуқаролик ишлари бўйича бир ариза Нукус шаҳар судига, 18 та ариза республика хўжалик судига даъво тарзида топширилди. Бугунги кунгача хўжалик судида 8 та даъво аризалари кўрилиб, деҳқон-фермерлар ва тадбиркорлар фойдасига 4 миллион сўмдан зиёд маблағ ундирилди. Адлия вазирлигининг бевосита аралашуви билан Беруний туманидаги банк бўлимларидан тадбиркорларга жами 23 миллион 694 минг сўмлик кредитлар олиб берилди. Бу ҳам, албатта, республика иқтисодиётини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Қорақалпоғистон,
«Туркистон-пресс»

Сессия олдидан

ПРОКУРАТУРА — ЖАЗОЛАШ ОРГАНИ ЭМАС

Олий Мажлиснинг 11 майда ўз ишини бошлайдиган навбатдаги сессиясида қабул қилинадиган «Прокуратура тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳрирдаги лойиҳаси бевосита ана шу эзгу мақсадга хизмат қилади

Шу муносабат билан Олий Мажлиснинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Абдил ТУХТАШЕВ мухбиримизга янги таҳрирдаги «Прокуратура тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси ҳақида қуйидагиларни гапириб берди.

- Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг **«Прокуратура тўғрисида»**ги Қонуни 1992 йилда қабул қилинган эди. Бугун унинг янги таҳririни қабул қилишга қандай зарурат туғилди?

Ўтган давр мобайнида мамлакатда ижтимоий-иқтисодий муносабатлар тубдан ўзгарди. Шу билан бирга фуқароларимиз онги ўзгарди, янги фикрлар, янги ғоялар вужудга келмоқда. Ўзбекистон Республикаси инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ бўлган 50 га яқин халқаро шартномаларга қўшилди. Мамлакатда юз берган ўзгаришлар туфайли прокуратура органлари вазифаларини янада ойдинлаштириш, унинг давлат тизимидаги ўрнини, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги вазифаларни аниқ белгилаб бериш зарурати туғилди. Бу жараённинг бари янги қонунда акс этмоғи лозим эди.

Ушбу қонун лойиҳаси Олий Мажлиснинг IV сессиясида биринчи ўқишда маъқулланиб, умумхалқ муҳокамасига қўйилган эди. Муҳокамадан сўнг билдирилган 400 дан ортиқ таклифлар қонунни ишлаб чиқиш бўйича ишчи гуруҳи, қўмитамизда муҳокама этилиб, Олий Мажлис сессияси муҳокамасига тақдим этилмоқда.

Шу кунгача прокуратура ҳокимиятлар тизимида қандай ўринни эгаллайди, у қонун чиқарувчи, ижро, суд ҳокимиятларидан қайси бирининг таркибига киради, деган турли баҳс-мунозаралар мавжуд эди. Бу мунозаралар ҳозир ҳам давом этаяпти. Мазкур Қонуннинг янги лойиҳасида бу масалага бир қадар ойдинлик киритилган. Чунончи, унинг 1-моддасида: «Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси — прокуратура органларининг Ўзбекистон Республикаси Бош Прокурори раҳбарлик қиладиган ягона марказлаштирилган тизимдир», деб белгиланган. Лойиҳада прокуратура органларининг асосий вазифалари фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонуний манфаатларини, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий тузимини ҳимоя қилиш ҳамда қонун устуворлигини таъминлашдан иборат, деб ёзиб қўйилган.

Маълумки, шу пайтгача кўпчилик прокуратурага жазоловчи орган, деб қараб келган. Янги таҳрирдаги Қонунга асосан эса прокуратура жазолаш органи эмас, балки фуқаролар, турли ташкилотлар ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи орган сифатида намоён бўлади. Янги қонун лойиҳасида прокурор назорати тизимига яна бир шундай модда киритилдики, унга биноан прокурор фуқаронинг ёки бирон-бир ташкилотнинг ҳуқуқий манфаатлари бузилган ҳолда уларни ҳимоя қилиш, ҳуқуқларини тиклаш мақсадида прокурорлик таъсир-чораларидан ташқари, судга ариза билан мурожаат этиши ҳам мумкин.

Фуқаролар прокуратурага ўз фаолияти ҳақида ҳеч кимга ҳисоб бермайдиган мустақил орган сифатида қарардилар. Бундай тасаввурларни қонуний йўл билан тузатиш, прокуратура органлари фаолиятининг ошкоралигини таъминлаш мақсадида мустақиллик, одиллик принциплари билан бирга, ошкоралик принципи ҳам мустаҳкамланиб қўйилган. Прокуратура органлари ўз фаолиятини амалга оширишда бундан буён қонунийликни мустаҳкамлаш ва жиноятчиликка қарши курашда жамоатчилик билан ҳамкорликда ҳаракат қилиши лозим экани қонунда алоҳида белгилаб қўйилган. Яъни, қонунийлик, жиноятчилик ҳолатлари ҳақида оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширилаётган ишлар ҳақида кенг жамоатчиликни хабардор қилиб бориш лозим эканлиги қонуннинг 7-моддасида кўрсатиб ўтилган. Шу билан бирга, лойиҳада прокуратура тизимига янада ойдинлик киритилган. Унда Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси тизимига Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратураси раҳбарлик қилувчи орган, деб белгилаб қўйилган. Яъни Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси дейилганда, бутун прокуратура органлари тизими, Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратураси дейилганда эса шу тизимнинг бош идораси тушунилади.

Қонун лойиҳасида прокуратура органларининг тузилиши, прокурорларнинг тайинланиши ва вазифасидан озод этилиши ҳам белгиланган. Амалдаги қонунларда прокурорнинг вазифасидан озод этилиши тартиби белгиланган эмас эди. Шу билан бирга лойиҳада прокуратура органларининг қайси соҳалар бўйича фаолият кўрсатиши ва улар фаолиятининг асосий йўналишлари алоҳида белгиланганки, бу ҳол прокурорлар назорати самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Шунингдек, унда прокуратура органларининг ишини ташкил этиш, шу соҳа ходимларига қўйиладиган талаб ва ижтимоий ҳимоя масалалари ҳам ўз аксини топган. Янги таҳрирдаги қонун лойиҳасининг Олий Мажлис томонидан қабул қилиниши келажакда прокуратура органлари ходимлари фаолиятини такомиллаштириш билан бирга фуқаролар ҳуқуқларини ҳам ҳар томонлама ҳимоя қилишни таъминлашга хизмат қилади.

Фармонни ўқиб

ШАҲИДЛАР ХОТИРАСИ — МАНГУ БАРҲАЁТ

Президентимизнинг матбуотда эълон қилинган **«Қатағон қурбонларини ёд этиш кунини белгилаш тўғрисида»**ги Фармони ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда ўзига хос тарихий воқеа бўлди.

Унда ҳақли равишда таъкидланганидек, Ватанимиз ва халқимиз эркинлиги учун босқинчиларга қарши курашган, истибдод даврида озодлик сари интилган аждодларни, ёвуз кучлар тарихимизни, маданиятимизни йўқотишга ҳаракат қилганида элни маърифат ва ёруғлик сари ундаган, халқимизнинг орномуси, миллий анъаналаримиз ва урф-одатларимизни ҳимоя қилиш учун ҳаётини фидо этган, машаққатли курашларда қурбон бўлган инсонларни тарих, бугунги ва келажак авлод ҳеч қачон унутмайди.

Маҳмудхўжа Беҳбудий умрининг сўнгги лаҳзаларида: **«Бизлар ўлимдан қўрқмаймиз, балки ҳақ йўлида ўлмакни ўзимиз учун шараф деб биламиз... кўп кишилар тўғрилик ва истиқлол йўлида шаҳид бўлғонлар!**

Сизларга васият қиламан: ўртадан нифоқни кўтарингиз! Туркистон болаларини илмсиз қўймангизлар! Озодликни тезлик ила юзага чиқарингизлар! Бизлар ул чоғда қабримизда тинч ётурмиз», - дея бежиз хитоб қилмаганди. Кўриниб турибдики, қатағон қурбонлари мустабид тузум даврида эрксиз халқнинг ўз ҳақ-ҳуқуқларини талаб қилишга оташин даъват этган эдилар. Уларнинг мақсад-муддаоси ёшлар онгшуурига маърифат нурларини сингдириш, эзгулик уруғини қадашга қаратилганди. Уларнинг ҳар бири бу эзгу мақсад йўлида ҳатто жонини ҳам беришга тайёр бўлишган.

Мустабид тузум даврида маърифатпарварлар билан бир қаторда кўплаб оддий кишилар ҳам асоссиз равишда «халқ душмани»га чиқарилиб, қатағон қилинган, шу тариқа миллион-миллион одамларнинг уйи вайрон бўлиб, уларнинг ортида қолганлар эса хўрлик ва ситамларга гирифтор этилган.

Истиқлол шарофати билан тарихий адолат қайта тикланди. Минг-минглаб фидойи, матонатли кишилар хотирасини эъзозлаш, уларнинг ноҳақ жабрланган авлодлари, шўро даврида рўшнолик кўрмай келган фарзандлари иззат-ҳурматини жойига қўйиш, қатағон этилган ижодкорларнинг меросини ёшларнинг маънавий мулкига айлантириш, тарих олдидаги хизматларини муносиб баҳолаш борасида хайрли ишлар амалга оширилмоқда.

Юртбошимизнинг бевосита ташаббуси билан ўтган йили қатағон қурбонларининг муборак қони тўкилган муқаддас жойда **«Шаҳидлар хотираси»** ёдгорлик мажмуи ва шу номда хайрия жамғармасининг ташкил этилиши, Ўзбекистон Миллий университети билан боғлиқ тарихий адолатнинг тикланиши, қатағон қурбонлари бўлган ўнлаб зиёлиларнинг асарлари чоп этилиб, кенг ўрганилаётгани, номлари абадийлаштирилаётгани, табаррук зиёратгоҳлар бунёд этилаётгани фикримизнинг далилидир.

Мазкур Фармон ҳам мамлакатимизда бу борада амалга оширилаётган кенг миқёсли хайрли ишларнинг мантиқий давоми бўлди. Тарихий адолат, ижтимоий қадриятларни қайта тиклаш, аждодларимиз хотирасини эъзозлаш борасида ўзига хос янги саҳифа очди. Шу боис бу тарихий ҳужжат кенг жамоатчилик томонидан хайрихоҳлик билан кутиб олинди.

Мазкур Фармонга асосан қатағон қурбонларини ёд этиш маросими энг эзгу урф-одатларимиздан бирига айланади. Бу маросим ҳар йили 31 август куни Мустақиллик байрами арафасида Тошкент шаҳридаги **«Шаҳидлар хотираси»** ёдгорлик мажмуида ўтказилади. Бунда теран маъно мужассам. Зеро, миллатимиз фидойилари Ватан озодлиги-ю, халқ истиқболи йўлидаги мислсиз курашга бутун борлиғини бағишлаган эдилар. Юртбошимиз таъкидлаганидек, улар ўт билан ўйнашаётганликларини, истибдодга қарши курашаётганликлари учун аёвсиз жазоланишларни олдиндан яхши билишган. Била туриб, онгли равишда мана шу йўлдан борганлар. Чунки виждонлари , иймонлари шунга даъват этган. «Ҳақ йўлида ўлмоқни шараф деб билган»лар биз учун иймон, эътиқод, барҳаёт виждон ва мустаҳкам қалқон тимсолига айланди.

«Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуи сайёҳлик йўналишлари рўйхатига киритилиши, зиёратгоҳ ҳудудида «Қатағон қурбонлари хотираси» музейи ташкил этилиши ва бу ерда махсус радиолаштириш тизими жорий этилиши халқимизнинг руҳини осмон қадар кўтарди.

Фармоннинг руҳи ҳар биримизнинг қалбимиздаги эзгу ҳис-туйғулар, онг-шууримиздаги теран фикрларни ифодалайди. Мамлакатимизда олиб борилаётган эзгу ишларнинг изчил давоми бўлиб, халқимизнинг минг-минглаб ўғил-қизлари хотирасини ёд этиш, ҳақиқат ва адолатни тиклаш, ўсиб келаётган ёш авлод қалби ва онгида ўтганлар хотирасида ҳурмат ва эҳтиром туйғуларини кучайтириш борасида жуда муҳим омил бўлади. Миллий ифтихор, ватанпарварлик туйғуларини янада шакллантиришга хизмат қилади.

Ватан озодлиги-ю, халқ истиқболи йўлида шаҳид кетган улуғ инсонларнинг хотирасини эъзозлаш, ҳурматини жойига қўйиш биз учун ҳам қарз, ҳам фарздир. Зотан, биз уларнинг покиза руҳлари олдида абадий қарздормиз.

Жозил ТУРСУНОВ

Талаба мулоҳаза юритади

СЕЗГИР БЎЛСАК, ИЛЛАТ КАМАЯДИ

Биз ёшлар ҳамма вақт ҳам оиланинг масъулиятини, унинг беқиёс бахт ўчоғи, ўзликни англайдиган муқаддас даргоҳ эканлигини юракдан ҳис этавермаймиз. Аммо қонунларимизни ўргансак, фикримиз ўзгаради, албатта. Энг муҳими, оилага бўлган муносабат қонунларимизда ўзининг чуқур ифодасини топгани, унинг жамиятдаги мавқеини кўтариш борасида беқиёс ишлар амалга оширилаётгани қувончлидир.

Мен яқинда Ўзбекистон Республикасининг Оила Кодексини ўқиб чиқиб, бунга чин дилдан иқрор бўлдим. Оила тўғрисидаги тасаввурларим янада бойиб, унинг маҳсулиятини теранроқ англаб етдим. Жумладан, «Оила» Кодексининг 4-моддасида **«...оила, оналик, оталик ва болалик давлат ҳимоясидадир.**

...оналик ва оталик иззат-икромга ҳамда ҳурматга сазовордир.

Она ва бола манфаатларини муҳофаза қилиш аёлларнинг меҳнати ва соғлигини сақлашга доир махсус тадбирлар кўриш, меҳнатни оналик билан боғлаб қўшиб олиб бориш учун аёлларга шароит яратиш, оналик ва болаликни ҳуқуқий ҳимоя қилиш, моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш йўли билан таъминланади», деб ёзилган.

Бу — қонунларимизнинг энг аввало, оилага бўлган юксак эътиборни англатиб қолмай, қонунларимизнинг ҳам нақадар адолатли, инсонпарвар эканлигидан далолат беради.

Оила ҳақиқатан ҳам, муқаддас даргоҳ. Президентимизнинг бевосита ташаббуси билан мамлакатимизда ўтган йилларни Оила, Аёллар, Соғлом авлод ва бу йилни «Оналар ва болалар йили» дея эълон қилиши замирида улкан маъно ва мазмун мужассам. Зеро, эртанги кунимизнинг ҳақиқий эгалари — фарзандларимиз баркамол авлод бўлиб вояга етиши кўп жиҳатдан оилада қандай тарбия топганига боғлиқдир. Албатта, оиланинг мустаҳкам, тинч-тотувлигида ота-онанинг ҳам роли муҳим аҳамият касб этади.

«Оила» кодексининг **«Оила аъзоларининг ва бошқа шахсларнинг алимент мажбуриятлари», «Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштириш шакллари», «Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш»** тўғрисидаги бандларини ўқиб-ўрганар эканман, оиланинг ижтимоий жиҳатдан ҳам, алоҳида ҳолда ҳам шакллaниши анча мураккаб, масъулиятли жараён эканлигига амин бўлдим.

Баъзан биз ёшлар ҳаёт, оила ҳақида жўн ўйлаётганимизни, турмуш қуриш деганда чиройли кошона, ажойиб бахт, ўз-ўзидан ақлли бўлиб ўсаверадиган жажжи болаларни тасаввур қилаётганимизни тушундим. Йўқ, оилага ҳеч қачон юзаки ёндошмаслик керак. Оилада ота-онанинг тотувлиги, фарзандлар ўртасидаги ўзаро ҳурмат, ишонч, самимий муносабат, оиланинг яхши йўлга қўйилган ички ҳаёти тўғри тарбиянинг асоси эканлигини ҳар биримиз дилдан ҳис этайлик. Ва бу борада атрофимизда содир бўлаётган воқеаларга бефарқ қарамайлик. Биз оила масъулиятини нечоғлик чуқур ҳис этсак, бу жамиятимизнинг жипслигига хизмат қилиб қолмай, фарзандларимизнинг баркамол, элим деб, юртим деб ёниб яшайдиган инсон бўлиб вояга етишига кафолат беради.

Мухтабар ҲУСАНОВА,
ТДЮИ 3-курс талабаси

Бизнинг маълумот:

Мухтабар ҲУСАНОВА — 1998 йилда Республика Нафис санъат лицейини муваффақиятли тугатган.

Айни пайтда ТДЮИнинг 3-курсида таҳсил олмоқда.

Мақоласи «Инсон ва қонун» газетасида биринчи марта чоп этилмоқда.

Конституция ва биз

ТАЯНЧ ТОҒИМИЗ

Республикамиз мустақиллиги эълон қилинганидан буён тўққиз йилдан кўпроқ вақт ўтди. Шу давр ичида миллий давлатчилигимиз, маданиятимиз, ўлмас қадриятларимиз, тилимиз ва динимиз қайта тикланди. Ўзбекистонимиз жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин олди.

Самарқанд, Бухоро, Хива каби шаҳарларимиздаги тарихий обидалар қайта тикланиб, Имом Бухорий масжид мажмуи, Аҳмад Фарғоний оромгоҳи, Бурхониддин Марғиноний, Имом Мотуридий зиёратгоҳлари, кўпдан-кўп ёдгорлик обидалари бунёд этилдики, булар барчаси қаддимизни тоғдек кўтарди. Шундай улуғ зотларнинг авлоди эканимизни англаб етиб, шунга муносиб бўлишга, буюк келажак яратишга астойдил ҳаракат қилмоқдамиз. Асака шаҳрида барпо этилган ва мамлакат автомобил саноатига бешик бўлган «ЎзДЭУ авто» қўшма корхонаси, олтин ишлаб чиқариш саноатида янги имкониятлар очган «Зарафшон-Ньомонт» қўшма корхонаси, Буюк ипак йўлининг бош бўғини бўлган Қамчиқ довонидаги ер ости йўллари ва шу каби қатор улуғвор қурилишлар, корхоналар Ўзбекистон халқларининг бунёдкорлик салоҳиятини ўзида тўла намоён этаётир.

Ҳа, Президентимиз бошчилигида беқиёс ишлар амалга оширилди. Бир сўз билан айтганда, буюк келажакнинг пойдевори яратилди.

Президентнинг истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш «Умид» жамғармаси орқали ҳар йили Ўзбекистонимизнинг юзлаб ўғил-қизлари Америка Қўшма Штатлари, Германия, Буюк Британия, Италия, Япония каби тараққий топган мамлакатларнинг энг нуфузли олий ўқув юртларига бориб таълим олмоқда.

Халқимиз эришаётган ютуқларнинг, спорт, илм-фан соҳасида ёшларимиз қўлга киритаётган муваффақиятларнинг, халқаро майдонда обрў-эътиборимиз ортиб бораётганининг негизида Конституциямиз белгилаб, мустаҳкамлаб берган қонуний ва ҳуқуқий асослар, уларни оғишмай ҳаётга тадбиқ этаётганимиз мужассамдир.

Конституциямиз биз учун муҳим ҳаётий қўлланма бўлиб қолмай, ғуруримиз, ифтихоримиз, керак бўлса, шу заминда истиқомат қилаётган, миллати, тили, динидан қатъий назар, барча инсонлар учун мустаҳкам ҳимоядир. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Конституцияси қабул қилинган кун ҳар йили умумхалқ байрамига айланиб кетади.

Халқимизнинг ўзбек давлатчилигини қайта тиклаш, тинчликда яшаш, демократияни чуқурлаштириш, инсонпарвар ҳуқуқий давлатни барпо этиш, фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувлигини таъминлаш каби мақсад-муддаоси ва хоҳиш-иродаси бутун дунёга расмий равишда маълум қилинди.

Мана шундан буён Ўзбекистон Конституцияси қонун олдида ҳаммамизнинг тенглигимизни таъминлаб келади. Ҳозирги кунда давлатнинг, иқтисодий ёки ижтимоий-маданий ҳаётнинг биронта ҳам соҳаси йўқки, бунда унинг ижобий таъсири сезилмаётган бўлса. Бу, тушунарли, албатта. Чунки Конституция — давлатнинг Асосий Қонуни бўлиб, унда ғоят катта ҳуқуқий асослар мужассамлашган. Конституция ҳуқуқий кафолат бўлиш билан бирга мустақиллигимизнинг буюк тимсоли ҳамдир.

Конституция Ўзбекистон Республикасининг давлат суверенитети, давлат ва жамият тузилишининг асосий принципларини олий даражада мустаҳкамлайди. Айни вақтда у Ўзбекистоннинг бутун дунё олдидаги ўзига хос «ташрифномаси» ҳисобланади.

Конституцияга қараб бизга, давлатимизга, жамиятимизнинг демократик ва маърифатлилигига, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари мазмун-моҳиятига баҳо берадилар.

Давлат суверенитети принципи ғоят муҳим конституциявий принцип ҳисобланади. Ҳокимиятнинг суверенлиги бир томондан унинг мамлакат ичкарисидаги мустақиллигини билдирса, иккинчи томондан бошқа давлатлар билан ўзаро муносабатлардаги мустақилликни англатади.

Фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш навбатдаги принципдир. Бу принцип бизнинг Конституциямизда халқаро андозалар даражасида белгилаб берилган.

Конституциямизда миллати ва динидан қатъий назар, мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси дахлсизлиги, фикр ва эътиқод эркинлиги ҳимоя қилинган, ҳуқуқлари тўла кафолатланган. Унинг асосий тамойилларидан бири — демократия тамойилларига тўла асосланганлигидир. Конституция: «Республикада демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади», дея алоҳида қайд этилган.

Конституцияда ўзининг теран ифодасини топган навбатдаги принциплардан бири қонунийликдир. Мазкур принцип халқ давлат ва унинг органларига нисбатан ўз фаолиятини амалдаги қонунлари доирасида олиб боришини тақозо этади. Яна бир муҳим принцип — Конституциянинг устунлиги ва дахлсизлигидир. Бу шуни англатадики, жамиятдаги бирон-бир қонун Конституцияда белгиланган норма ва принципларга зид бўлиши мумкин эмас.

Ўзбекистон тарихида биринчи марта Конституцияни Конституциявий суд муҳофаза қилиши таъмин этилди.

Модомики, Конституция бизнинг ҳақ-ҳуқуқларимизни, тинчлик-осойишталигимизни ҳимоя қилиб кафолатлар экан, Президент Ислом Каримов айтганидек, муқаддас заминимизда яшайдиган ҳар бир инсон, ҳар бир фуқаро ўз навбатида Конституциянинг ва у белгилаб берган конституцион тузумнинг ҳимояси учун доимо тайёр туриши, керак бўлса, ўтган йили мамлакатимиз сарҳадларида юртимиз тинчлиги, халқимиз осойишталигини мардона ҳимоя қилиб, қаҳрамонлик кўрсатган мард ўғлонлар каби ўзини фидо этишга ҳам ҳозир бўлиши даркор.

F. АЛИЕВ,
Президент ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясининг тингловчиси

Юртимиз фавворалари

Шартнома ва ижро

МАСЪУЛИЯТ ТУЙҒУСИ — МАНФААТДОРЛИК ВА САМАРАДОРЛИК МАНБАИ

Шартнома маданияти қарор топмаган жойда иқтисодиёт ҳам, ижтимоий турмуш ҳам, демократия тамойиллари ҳам равнақ ва такомилга юз тутмайди

Шартнома интизоми наинки адолат ва ҳақиқат гарови, балки манфаатлар муштараклигининг ҳам кафолатидир

Мамлакатимиз истиқлолнинг илк йилларидаёқ шартномавий муносабатлар йўлини танлади ва унинг жорий этилиши пировардида мустақиллик йўлидаги энг катта бурилишларнинг бири сифатида эътироф этилди. Ҳозир шартнома интизоми бутун мамлакат, шу жумладан, Хоразм вилояти ижтимоий-иқтисодий турмушининг ҳам мазмун-моҳиятини белгиловчи омилга айланди. Биз бугун ўз фаолиятимизда шартнома интизомини кенг ёйиш учун ҳаракат қилаётганимиз йўқ. Зеро, воҳа аҳли шартнома интизомини таъминлашнинг бу босқичини аллақачон ортда қолдирган. Шу куннинг асосий вазифаси шартномавий муносабатларнинг сифати ва самарасини, амалдаги кучқудратини намоён этиш, томонларнинг ўз бурчи, вазифаси ва мажбуриятига масъулиятини оширишдан иборат бўлиб қолаяпти.

Ҳуқуқий асос яратилмаган жойда тараққиётга йўл бўлмаслиги, орзулар ушалмаслиги, режалар рўёбини топмаслиги кундай равшан. Жамият ўз тараққиётини кўзлар ва белгилар экан, ҳамиша саъй-ҳаракатларни бош йўлнинг ҳуқуқий кафолатлари ҳамда асосларини яратишдан бошлайди. Фуқаролик кодекси, **«Корхоналар тўғрисида»**ги қонун, шунингдек, тадбиркорлик ва тадбиркорлар ҳамда хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини белгилаб берувчи қонунлар, Президент Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг шу масалага оид қарорлари, Адлия вазирлигининг **«Тадбиркорликни ҳуқуқий ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»**ги буйруғи ва бошқа кўпгина директив-меъёрий ҳужжатлар ишончли ҳуқуқий асос вазифасини ўтаётганлигини, албатта, эслатмоқ зарур.

Ўтган йиллар мобайнида вилоят адлия бошқармасининг 116 нафар ходими 232 та хўжалик субъектига шартномавий муносабатлар масаласида зарур ҳуқуқий ёрдам кўрсатади. Биргина 2000 йил ичида томонларнинг манфаатларини ўзида тўла намоён этолмаган ва ҳуқуқий жиҳатдан саёз бўлган, айни пайтда 24,5 миллион сўмлик пул маблағларини ўзида мужассамлаштирган 9 та шартномавий ҳужжат аниқланди. Шу билан бирга амалдаги ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар талабларига бир мунча зид ҳолда тузилган 33 минг 969 та ички хўжалик шартномалари мавжудлиги ҳам маълум бўлди. Жами 4 миллиард сўмликни ташкил этувчи пудрат ва 127 миллион сўмликдан иборат ижара шартномаларидаги хато ва камчиликларга шу тариқа барҳам берилди.

Ўтган йиллар мобайнида шартномавийлик масаласи қатор илмий-амалий ва назарий анжуманларнинг бош мавзусига айлангани, тарғибот-ташвиқот тадбирлари ҳозир ҳам мунтазам ўтказилаётгани жамоалар, юридик ва жисмоний шахсларнинг фаолиятида ижобий излар қолдирмоқда. Шартномавийликнинг тўла амалий ижросини таъминлашда бундай тадбирларнинг аҳамияти беқиёслигини, одамлар зиммасидаги мажбурият, бурч ва вазифаларини эндиликда шартнома ҳужжатлари туфайли ҳис ва идрок этишаётганини, албатта, таъкидлаш жоиз.

Ҳаётда ҳеч нарса бирон заруратсиз, ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, мамлакатимизда шартнома интизоми кенг кўламли ва изчил равишда узоқни, стратегик мақсадларни кўзлаган ҳолда амалга оширилган ташкилотчилик, тарғибот-ташвиқот ва тушунтириш тадбирларининг самараси эканлигини илғаб олиш қийин эмас.

2000 йил мобайнида вилоят адлия , бошқармасига тадбиркорларнинг ҳуқуқлари поймол қилинганлиги юзасидан тушган аризалар бўйича вилоят фуқаролик ишлари ва хўжалик судларига жами 36 та 66.072.858 сўмлик даъво аризалари киритилиб, уларга етказилган моддий ва маънавий зарарларни ундириш масалалари қўйилди. Киритилган даъво аризаларининг аксарияти судлар томонидан тўла қаноатлантирилди.

2001 йилнинг ўтган даври мобайнида вилоят адлия бошқармаси томонидан тадбиркорлик субъектларининг (фермер хўжаликлари) манфаатлари бўйича фуқаролик ишлари судларига 2 миллион 247 сўмликдан иборат 7 та даъво аризалари юборилиб, тадбиркорларга етказилган моддий ва маънавий зарарнинг қопланишига эришилди.

Шуни қониқиш билан таъкидлаш жоизки, шартномавий мажбуриятлар борасидаги масъулият эндиликда оддий фуқароларнинг ҳам ҳуқуқий онги шаклланишига хизмат қилмоқда. Ўтган йили Шовот туманидаги «Соҳибкор», К.Раҳимов номли, Янгибозор туманидаги «Маданият», Хонқа туманидаги «Олтин соҳил» ширкат хўжаликларида ички шартномавий мажбуриятларга нописандлик билан қаралаётган ҳолатлар бўйича судларга 121 та даъво аризалари йўлланди. Судларда бу даъволар қаноатлантирилди. Пировардида пудратчи ва фермерларнинг 6 миллион 181 минг сўм ҳажмидаги қонуний ҳақи айбдорлардан ундириб берилди.

Оила пудрати шартномаларининг бажарилишини назорат қилиш диққат марказидаги ишларнинг бири бўлиб қолаяпти. Ички хўжалик шартномаларининг аксарияти оила пудрати бўйича расмийлаштирилаётгани ва унда асосан оддий деҳқон, фермерларнинг манфаатлари кўзда тутилаётгани, албатта, алоҳида назоратни талаб этади. Шунга кўра, биргина 2001 йилнинг дастлабки чораги мобайнида Урганч ва Янгибозор туманлари хўжаликлари ҳисобидан деҳқонларга 4,2 миллион сўмликдан кўпроқ миқдоридаги пул маблағлари ундириб берилди. Айбдорлар етказилган маънавий зарар учун ҳам 65000 сўм ҳажмида пул тўладилар. Судларда ана шу масалага доир 57 та ариза кўриб чиқилди.

Шартнома — қонун кучига эга ҳужжат. Буни биринчи галда тегишли ҳокимликлар инобатга олишлари ва унинг сўзсиз бажарилишини таъминлаб боришлари шарт. Баъзан ҳаётда бунинг аксига ҳам дуч келаяпмиз. Чунончи, ўтган йили ва шу йилнинг дастлабки ойларида фермер ва ширкат хўжаликлари ўртасида ерни узоқ муддатли ижарага бериш юзасидан имзоланган шартномаларни айрим туманлар ҳокимликлари томонидан рўйхатга олмаслик ҳолатлари кузатилди. Вилоят адлия бошқармаси бу каби салбий ҳоллар юз бермаслиги учун шартномаларни тузишда фаол қатнашишни лозим ҳисоблайди. Ана шуни назарда тутган ҳолда ўтган йили вилоят бўйича расмийлаштирилган 7548 та шартноманинг 2253 таси ёки салкам 30 фоизида адлия бошқармаси ўз хулосалари билан қатнашди. Ҳуқуқшунос мутахассислар иштирокида тузилган бундай шартномалар хато ва камчиликлардан холи бўлишига кафолат беради.

Шартномавий мажбуриятлар ва ҳужжатларни жорий этиш нафақат ҳуқуқшунослар, балки давлат ва маҳаллий ҳокимият идораларининг ҳам энг муҳим вазифалари сирасига киришини юқорида эслатдик. Шундай экан, бундай масъулиятдан бизни ҳеч ким ва ҳеч нарса озод этмайди. Бироқ замона ва ҳозирги ҳуқуқий савиямиз шартномалар ижроси учун асосан уни тузган тарафлар жавобгар бўлишини тақозо қилади. Шартнома ҳужжатларининг амалдаги қонунчиликка нечоғли мос келишини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш эса биз — ҳуқуқшунослар зиммасидаги доимий вазифадир. Асосий юмуш эса барибир томонлар зиммасига юклатилади.

Мукаммал шартномалар ўз навбатида юксак даражада англанган ижро интизомини талаб этади. Фикримизча, фуқаролар ўз зиммасидаги ана шу масъулият - ижро интизоми талабларини тўла англаб етганича йўқ.

Расмий-ҳуқуқий ҳужжат мақомини олган шартномалар қонун кучига эга. Уни бажариш мажбурийдир. Шартномани бажарганлар, албатта, ҳўп ва кўп манфаат топишади, ошини ейишади, бажармаганлар манфаат топиш ва ёки ош ейиш нарёқда турсин, оғзидагини олдиришади, бармоқ тишлаб қолишади.

Шартномавийликда ана шу янглиғ туганмас, айни пайтда илҳомбахш куч-қудрат мужассам.

Қаҳрамон ИСАРОВ,
Хоразм вилоят адлия бошқармаси бошлиғи,
Абдулла СОБИРОВ,
«Инсон ва қонун» мухбири

9 май - Хотира ва қадрлаш куни

«СЕН ДОИМ ҚАЛБИМДАСАН, ЖИГАРИМ!»

ЮРАК МАЛҲАМИ



Пойтахтимиздаги «Хотира майдони»да қад ростлаган «Мотамсаро она» ҳайкали қошига ҳар гал келганимда, кўз ўнгимда урушнинг даҳшатли манзаралари намоён бўлади. Беомон жангларда ҳалок бўлган минглаб ҳамюртларимизнинг хотирасини ёд этар эканман, уларни вояга етказган, «болам тирик, у бир кун, албатта, қайтади», деган умид билан сўнгги нафасигача йўлига кўз тикиб яшаган онаизорларнинг оҳу фиғони дилимни ўртайди. Мен уруш йиллари ҳам, уруш тугагандан кейин ҳам, ҳатто куни кечагача, айримлари бугунгача ҳам фарзанд соғинчининг аламли изтироблари билан яшаган оналарни ўз кўзим билан кўрганман. Шундай пайтлар юрагимнинг туб-тубидан «Отинг ўчсин, лаънати уруш», деган нидо отилиб чиқади.

Президентимиз ташаббуси билан бунёд этилган «Мотамсаро она» ҳайкали ана шундай беназир оналаримизга халқимизнинг тенгсиз ҳурмати рамзидир. Ахир, фарзанд доғида куйган қанча-қанча боболару момолар, ота дийдорига тўймай ўсган фарзандлар бу ҳайкал қошида юрак дардларига малҳам топишади, руҳлари ором олади.

Энг муҳими, инсон хотирасининг эъзозланиши кўп минг йиллик миллий анъаналаримизга тўла мос тушиши, ўсиб келаётган ёш авлод учун ибрат мактаби вазифасини ўтаётгани билан катта аҳамият касб этади.

Ҳожиакбар РАҲМОНҚУЛОВ,
уруш қатнашчиси,
юридик фанлари доктори, академик



Аждодлар хотираси муқаддас

ИНСОН ХОТИРАСИ АЗИЗ

Мен иккинчи жаҳон урушининг барча азоб-уқубати ва даҳшатларини ўз бошимдан кечирганман. Уруш ўз номи билан уруш, унинг ёвуз моҳиятида бегуноҳ одамларнинг қонини тўкиш, шаҳар ва қишлоқларни култепага айлантириш, дунёга қўрқув ва ваҳм солишдан бошқа ҳеч нарса топиб бўлмайди.

Ўқ овози эшитилиб турган жойдан хайр-барака ҳам, хотиржамлик ҳам кўтарилади, униб-ўсиш, тараққиёт бўлмайди, одамлар бир-бирининг қадамини пойлаб яшайди. Яратганнинг ўзи мана шундай мусибатдан асрасин. Буни биз кечаги ҳаётимизда кўрдик.

Бугун юртимизда тенгсиз ўзгариш ва янгиликлар юз кўрсатган, халқимиз ўз қўли билан буюк келажагини яратаётган экан, бунинг замирида, энг аввало, тинчлик ва осойишталик ётгани ҳеч кимга сир эмас.

Энг муҳими, истиқлолнинг эркинлик сиёсати туфайли инсоннинг қадр-қиммати, шаён-шавкати улуғланмоқда, аждодларимиз хотирасига чексиз эҳтиром кўрсатилмоқда.

Бунга ўн йиллик мустақил ҳаётимиздан кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Узоққа бормай, Президентимизнинг ташаббуси билан 9 майни Хотира ва қадрлаш куни деб эълон қилинишини олайлик. Бу савоб иш уруш заҳматини бошидан кечирган, фронт ортида оғир меҳнат қилган кексалар, жангдан қайтмаган ўғиллари йўлига кўз тикиб, дунёдан армон билан ўтган оналарнинг хотирасини эъзозлаш, бугун ҳаёт бўлганларини қадрлашга қаратилгани билан бениҳоя қимматлидир.

Тўғри, шўро замонида ҳам 9 май байрам қилинган. Лекин уруш фожиаларини бошидан кечирган одамларга эътибор қандай эди?

Фарзандларидан айрилиб, юрагида тоғдек армон билан яшаётган оналар номи бирон бир марта тилга олинганми?

Одатда, 9 май куни пойтахт шаҳарларда ҳарбий парадлар ташкил этилар, энг даҳшатли қуроллар намойиш қилинарди. Бу — мустабид тузумнинг зўравонлик, қўрқув солиш сиёсатининг бир кўринишиэди аслида.

Бугунги Хотира ва қадрлаш куни эса фақат инсонга чексиз эътибор кўрсатиш, унинг хотирасини эъзозлашга қаратилгани билан қимматлидир.

Айниқса, бу байрамнинг тарбиявий аҳамияти беқиёсдир. Ўсиб-униб келаётган ёш авлод бугунги савоб ва хайрли ишлардан ибрат олади, эртага катталарни ҳурмат қилиши, инсоннинг хотирасини эъзозлашни ўрганишади.

Қодир ЭРНАЗАРОВ,
уруш қатнашчиси,
ТДЮИ доценти

ҚАЛБЛАРНИ ЖЎШТИРГАН ЭЪЗОЗ

Урганч шаҳри марказидаги Хотира майдонига тез-тез йўлим тушади. Аниқроғи, шу табаррук қадамжога боришни ўзим кўпроқ хоҳлайман. Зарҳал тахтачаларда шаҳид кетган қуролдошларимнинг исмишарифига кўзим тушиб, юрагимда мамнуният туяман.

Инсон хотираси эъзозланаётган, қадр-қиммати улуғланаётган шундай дориломон кунларга етказгани учун Яратганга шукрона айтаман.

Биз ҳам вақти-соати етиб, бандаликни бажо келтирамиз. Аммо бир нарсадан кўнглим хотиржам: биз сингари уруш қатнашчиларининг хотираси, ёди халқимиз қалбида барҳаёт яшайди.

Бугун ҳамшаҳарлар, фарзанд, неваралар ардоғида яшаётганимни албатта, шукроналик билан таъкидламоғим керак.

Куни кеча адлия-суд тизими раҳбарлари хонадонимизга ташриф буюриб, кўнгил сўрашганда, юрагим тоғдек кўтарилди. Юрагим орзиқиб, кўзимга ёш олдим. Ахир, уруш тугаганига ярим асрдан зиёд вақт ўтди, бундай меҳр-мурувват, иззат-икромни бугун кўриб турибмиз.

Бугун биз, уруш ва меҳнат фахрийларига истаганимиздан ҳам кўпроқ меҳр-мурувват кўрсатилаётган экан, бу, ҳеч шубҳасиз, Ватанимиз озодлиги, Юртбошимизнинг адолатли сиёсати шарофатидир.

Бу ҳақда ўйлаганида, инсон хотираси эъзозланаётган, қадр-қиммати улуғланаётган жамиятнинг эртанги куни ҳам, албатта, ёруғ бўлишига қаттиқ ишонаман.

Мухтор МЕНГЛИЕВ,
Хоразм вилояти,
уруши қатнашчиси,
адлия-суд тизими
фахрийси

Ҳикмат

ОТАЛАР ДЕЙДИКИ:

озга қаноат қилинг, токи моллорингиз кўп бўлғай, юмшоқ табиатли ва ширинсўз бўлинг, дўстингиз кўп бўлғай.

***

фарзандга адаб, ҳунар ўргатмоқни мерос деб билғил. Агар сен хоҳ унга адаб ўргатгил, хоҳ ўргатмағил турмуш машаққатларининг ўзи унга ўргатур.

Ундоқким дебдурлар, ота-она тарбияламаса, кеча ва кундуз уни тарбиялайдур.

***

дўстларнинг иши ҳақида ўйлағил, уларга ҳадялар бермоқ, мурувватлар қилмоқ била дўстлик қоидасин маҳкам қилғил. Нединким, ҳар киши дўстларни ёд қилмаса, дўстлар ҳам ёд қилмағусидур ва ул киши ҳамиша дўстсиз қолғусидир.

***

яхши, ёмон одамни билғил ва иккновига ҳам дўстлик қилғил. Яхшиларга кўнгил била ва ёмонларга тил била дўстлик қилғил, токи икки тоифанинг ҳам дўстлиғи сенга нисбатан ҳосил бўлсин, нединким, кишининг ҳожати танҳо дўстиға тушмағусидур.

***

ақлсиз одамлар била ҳаргиз дўст бўлмағил, ақлсиз дўст ақлли душмандин ёмонроқдур, чунки ақлсиз дўст шундоқ иш қилурки, ақлли душман уни қила олмас.

***

агар дўстингнинг кўнгли ҳеч гуноҳсиз сендин қолса, уни қайтиб келурга машғул бўлмағил, нединким, таъмагир, кекчи дўстдин узоқ бўлғил, унинг дўстлиғи ҳақиқий эрмасдур, балки таъма учундир.

ФАРЗАНДЛАР АРДОҒИДАМИЗ

Гарчи урушда қатнашмаган бўлсам-да, ўша даврдаги азоб-уқубат ва машаққатларини бошимдан кечирганман.

Уруш ўз номи билан уруш, жангларда ҳеч кимга енгил бўлмаган. Аммо мамлакат ичкарисида қолганлар ҳам урушдагидан кам заҳмат чекмаган.

Ўша оғир йилларда тўрт мучаси бут эркакларни урушга олишган. Шаҳар ва қишлоқларда ёш болалар, аёллар ва қариялар барча машаққатни бўйнига олиб, меҳнат қилишган. Айниқса, фарзандлари урушдан қайтмаган ота-оналар, умр йўлдошларини интизорлик билан кутган аёллар, оталарнинг изтиробларини эсласам, ҳали-ҳануз юрагимда қаттиқ оғриқ туради.

Эртага мамлакатимизда Хотира ва қадрлаш куни кенг нишонланади. Ва шу муносабат билан иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлганларнинг хотираси ёдга олинади. Биз каби меҳнат фахрийларига иззат-икром кўрсатилади. Байрам тантаналарида иштирок этарканмиз, ўтмишда бошимизга тушган кўргуликлар бир қадар унутилгандек, беихтиёр навқирон ёшлигимизга қайтгандек бўламиз. Меҳнатимиз қадр-қиммат топаётгани, иззат-ҳурматимиз ҳар доим ва ҳамма ерда ўрнига қўйилаётганидан беҳад миннатдормиз.

Мадраҳим ТАНГРИБЕРГАНОВ,
Хоразм вилояти,
Урганч шаҳри,
адлия-суд тизими
фахрийси

Жаҳон тажрибаси

ГЕРМАНИЯ: СУД ҲОКИМИЯТИ

Германиянинг давлат қурилиши ўз шакли-шамойилига кўра федерациядир. Унинг таркиби 16 та ҳудуд (ер)дан иборат. Ўз навбатида, ҳар бир ҳудуд ўз конституцияси, қонунчилик органига эга (сайлов йўли билан ташкил қилинган) бўлиб, асосан бир палатали ландтаг (Баварияда - икки палатали) ҳамда бош вазир бошқарадиган ҳукуматдан иборат.

Германия давлат бошқаруви шаклига кўра парламент республикасидир. Олий ҳокимият органлари (1949 йилги Конституцияга асосан) - Федерал президент, Бундестаг, Бундесрат, Федерал ҳукумат ва Федерал конституциявий суд ҳисобланади.

Федерал президент давлат бошлиғи бўлиб, у федерал йиғилиш (махсус орган ҳисобланади) томонидан 5 йил муддатга сайланади.

Қонунчилик ҳокимияти — парламент томонидан амалга оширилади. У икки палата — Бундестаг ва Бундесратдан иборат бўлиб, улар тўғридан-тўғри овоз бериш йўли билан 4 йил муддатга сайланади. Бундесрат таркиби эса 41 кишидан иборат. Бундесрат аъзолари (айни пайтда) ҳукумат аъзоси ҳисобланади.

Германияда суд ҳокимияти тизими умумий суд, меҳнат суди, ижтимоий суд, молиявий суд ҳамда маъмурий судлардан иборат. Уларнинг ҳар бири муайян юқори суд органи томонидан бошқарилади. Умумий судларга фуқаролик ва жиноий ишларга тегишли барча масалалар (маъмурий юстиция органлари ҳамда бошқа соҳа судлари ваколатига бевосита кирмайдиган масалалар)ни кўриб чиқиш ваколати берилган.

ОЛИЙ ФЕДЕРАЛ СУД

Олий федерал суд умумий судлар тизимига раҳбарлик қилади. Унинг таркиби раис, сенатлар раиси ҳамда суд аъзоларидан иборат. Олий федерал суд таркибида, шунингдек, суд терговчилари ҳам фаолият кўрсатади. Улар асосан, бир қанча тоифадаги жиноий ишларни муҳокамага тайёрлайди. Олий федерал суд таркибига, шунингдек, фуқаролик ишлари бўйича 11 та сенат, жиноий ишлар бўйича 5 та сенат, баъзи махсус масалаларни кўриб чиқиш учун (картел, адвокат, нотариуслар ва ҳоказо) 7 та сенат ҳам киради.

Юқори ер судининг жиноий ишлар юзасидан кассация тарзидаги ҳукмларини кўриб чиқиш, шунингдек, маслаҳат судларининг ва ҳудудий (ер) суд юқори палаталарининг биринчи ҳаракат тарзидаги ишларини муҳокама қилиш Олий федерал суднинг ваколатига киради. Олий федерал суд, шунингдек, (баъзи ҳолларда) зарурат юзасидан оқлов ва айблов ҳукмларини кўриб чиқиши ҳам мумкин. 1969 йилдан бошлаб жиноий ишларни дастлабки инстанция тарзида кўриб чиқиш Олий федерал суд ваколатига кирмайди.

Олий федерал суд фуқаролик ишлари бўйича юқори ҳудудий судлар томонидан кўриб чиқилган ишлар юзасидан кассация тарзидаги шикоятларни кўриб чиқади. Бундай ҳолатларда Олий федерал суд даъво суммаси 40000 маркагача бўлган шикоятларни кўриб чиқади. Кассация тарзидаги шикоятлар 5 кишидан иборат олий федерал суд ҳайъатида (сенат бошлиғи иштирокида) муҳокама қилинади. Баъзи масалалар 3 кишидан иборат ҳайъат йиғилишида ёки олий федерал суднинг битта аъзоси томонидан ҳам кўриб чиқилиши мумкин.

Олий федерал суд ҳузурида фуқаролик ва жиноий ишлар бўйича катта сенатлар тузилади. Унинг йиғилишларида ўта муҳим масалалар муҳокама қилинади. Катта сенатлар таркибига Олий федерал суд раиси (у ҳар икки сенатга ҳам раҳбарлик қилади) ҳамда 8 нафардан иборат суд аъзолари киради (улар сенат раиси томонидан 2 йил муддатга тайинланади). Айрим ҳолларда мураккаброқ бўлган масалаларни муҳокама қилиш учун (заруратга қараб) бирлашган сенат йиғилишлари ҳам чақирилади.

Барча умумий судлар ичида фақатгина олий федерал суд умумий федерал муассаса ҳисобланади. Барча қуйи суд муассасалари эса унга нисбатан тегишли ҳудудий судлар тарзида иш кўради.

ЮҚОРИ ҲУДУДИЙ СУДЛАР

Юқори ҳудудий судлар (ер суди деб ҳам юритилади) ўз мақомига кўра апелляция ва кассация инстанциялари ҳамда дастлабки суд ҳаракати тарзида фаолият кўрсатади. Улар мамлакатнинг барча ҳудудларида ташкил қилинган (Баварияда 3 та ҳудудий суд иш олиб боради). 1990 йилдан буён 18 та олий ҳудудий суд (Берлинда ҳам битта шундай суд тузилган бўлиб, у суд палатаси деб юритилади) фаолият кўрсатади.



Ҳар бир юқори ҳудудий суд таркибида фуқаролик ва жиноий ишлар бўйича сенатлар тузилади.

Жиноий ишлар бўйича тузилган сенат 5 кишидан иборат ҳайъат йиғилишида дастлабки инстанция тарзида (юқори суд аъзолари иштирокида) давлатга хиёнат, жосуслик, террорчилик ҳаракатлари ёки қуйи суд муассасаларида кўриб чиқилган мураккаброқ ишларни қайта кўриб, муҳокама қилади.

Фуқаролик ишлари бўйича сенатлар 3 кишидан иборат ҳайъат йиғилишларида (юқори суд аъзолари иштирокида) ўзидан қуйи суд поғоналарида қабул қилинган қарор, ажрим ва ҳукмлар юзасидан шикоят аризаларини кассация тарзида муҳокама этади (баъзи масалалар битта судья томонидан ҳам кўриб чиқилиши мумкин).

Жиноий ишлар бўйича сенат уч кишидан иборат ҳайъат йиғилишида участка судлари, маслаҳатчилар суди, ҳудудий судлар юқори палаталарининг ҳукмларини (ер қонунчилиги меъёрлари бузилиши билан бевосита боғлиқ бўлган ишлар бўлса) кассация тарзида қайта кўриб чиқишига ҳақли.

ҲУДУДИЙ СУДЛАР

Германияда 1990 йилдан буён 92 та ҳудудий суд фаолият кўрсатади. Ҳудудий судлар ўзидан қуйи бўлган суд органлари фаолияти билан боғлиқ бўлган шикоят, даъво аризаларини дастлабки ва иккинчи инстанция тарзида кўриб чиқади. Ҳар бир ҳудудий суд таркибида фуқаролик ишлари ва жиноий ишлар бўйича палаталар (шу жумладан, савдо палатаси) тузилади. Фуқаролик ишлари бўйича палата йиғилишлари 3 кишидан иборат ҳайъат аъзолари иштирокида ўтказилади. Унчалик мураккаб бўлмаган ишлар битта судья томонидан ҳам кўриб чиқилиши мумкин.

Савдо палатаси эса ер суди аъзоси (раис) ҳамда 2 нафар (профессионал бўлмаган) судьядан иборат (улар савдо-саноат палатасининг тавсияси билан тажрибали тижоратчилар орасидан 3 йил муддатга тайинланади) таркибда иш юритади. Баъзи бир баҳсталаб масалалар савдо палаталари раислари томонидан якка тартибда кўриб чиқилиши ҳам мумкин.

Фуқаролик ва савдо ишлари бўйича палаталар ўз ваколатлари доирасида даъво суммаси 3000 маркадан зиёд бўлган ишларни биринчи инстанция тарзида кўриб чиқади. Шунингдек, оталик ҳуқуқини тиклаш ва бошқа масалалар юзасидан ҳукм чиқаришга ҳақли. Ушбу палаталар, шунингдек, участка судлари томонидан кўриб чиқилган ишлар юзасидан тушган шикоятларни апелляция тарзида муҳокама қилади.

Ер судларининг жиноий ишлар бўйича палатаси участка судлари ҳамда юқори ер суди ваколатларига кирмайдиган ишларни биринчи инстанция тарзида кўриб чиқади. Суд жараёни биринчи инстанция тарзида маслаҳатчилар суди сифатида иш юритадиган жиноий ишлар палатаси ёки юқори суд палатасида олиб борилади.

Маслаҳатчилар суди 1975 йилгача 3 нафар профессионал судья ва олти нафар шеффен (йиғилиш маслаҳатчилари) иштирокида олиб борилган. Ҳозирги пайтда маслаҳатчилар суди таркиби 3 нафар судья ва 2 нафар шеффендан иборат. Ушбу суд йиғилишлари заруратга қараб қотиллик, инсон ҳаётига таҳдид солиш (ёнғин, портлаш, ўғирлик ва бошқалар) каби оғир жиноятлар содир бўлган ҳолларда чақирилади.

Жиноий ишлар бўйича юқори палата (3 нафар судья ҳамда 2 нафар шеффен таркибида) суд жараёнида асосан қасддан содир этилган жиноятларни (ер судлари ваколатларига кирувчи) кўриб чиқишга ҳақли.

Юқори ер суди ташкил этилган округларда давлатга дахлдор жиноий ишлар бўйича палаталар тузилади. 1976 йилдан бошлаб аксарият (жиноий ишлар бўйича) иқтисодий жиноятлар билан бевосита боғлиқ ишлар юзасидан махсус палаталар таъсис этилди. Ушбу палаталар, асосан, рақобат, корхоналарнинг молиявий фаолияти, солиқлар билан боғлиқ ҳуқуқбузарлик ҳолатларини кўриб чиқади.

Жиноий ишлар бўйича юқори палата ер суди номидан шеффенлар суди ва участка судлари ҳукмлари юзасидан тушган шикоятларни муҳокама қилади.

Участка судьялари томонидан якка тартибда чиқарилган ҳукмларни кўриб чиқиш учун ер суди таркибида жиноий ишлар бўйича қуйи палата тузилади. Унинг таркиби ер суди аъзоси (раис) ҳамда 2 нафар шеффендан иборат.

Ҳусан ИБРОҲИМОВ
тайёрлади

(Давоми бор)

Мулоҳаза

БОЗОР ҲАНГОМАЛАРИ

ёки бир қарашда беозор туюлган иллатлар хусусида

Ҳозирги замондаги энг катта хавф инсонларнинг қалби ва онгини эгаллаш учун узлуксиз давом этаётган мафкуравий курашдир. Эндиликда ядро полигонларида эмас, балки мафкура майдонларида бўлаётган курашлар кўп нарсани ҳал қилади.

Ислом КАРИМОВ

Бозорнинг ўзига хос хусусияти шундаки, унда ҳар бир нарсанинг ўз харидори бўлади, яъни бозорга одамлар ўзини қизиқтирган нарсани харид қилиш учун келади.

«Фарғона йўли» деҳқон бозори ҳам эрта тонгдан одамлар билан гавжум бўлади. Бу бозорнинг яна бир ўзига хос жиҳати шундаки, уни айланасангиз, «келин сепи»дай ёйиб қўйилган безакли газета-журналлар, гулқоғозу буклетлар эътиборингизни ўзига жалб этади. Улар бозор ҳудудининг ярмини ишғол этган. Нашрларнинг тенг ярми Ўзбекистонимизнинг газета-журналлари бўлса, қолганлари - хорижий.

Бозори чаққон нашрларни пуллаётган сотувчидан ўша ярим-яланғоч қизларнинг суврати босилган газета-журналларни кўрсатиб, «Бу нашрларни республикамизда ёйиш мумкинми? », деб сўраймиз. У бўлса пинагини бузмасдан:

- Мен сотувчиман, синглим, - дейди. - Оласизми, марҳамат! Олмасангиз нима қиласиз, бошимни оғритиб?!

- Шу нашрларни сотишга рухсатнома борми сизда?

У индамайди. Ёнидаги газета сотувчи ўзини Аҳмаджон деб таништиради.

- Биз «Заковат» газетасини сотамиз. Намангана нисбатан Тошкентда талабгори кўп. Беш минг дона олиб келган эдик, шунинг тўрт минги сотилди ҳисоб, - дейди у кулимсираб.

- Молингизни пуллаб бўлгач, ўрнига нима олиб кетасиз?

- Нима бўлар эди, газетада, - дейди у қошларини чимириб.

- Қанақа газета?

- Мана бунақа газета-журналлардан, - дейди у яримяланғоч қизларнинг сурати босилган нашрга ишора қилиб. Уларга талаб катта.

- Сотаётган нашрингизнинг мазмуни билан ҳам ҳеч қизиқасизми?

- Бир-икки марта ичини очиб кўрганман. Ростини айтсам, яланғоч аёлларнинг расмини кўриб, уялиб кетдим...

Бозорни айланишда давом этамиз.

- «Спид-инфо»нинг нархи қанча?

- 700 сўм!

- «Мегаполис»-чи?

Ўзини Лайло деб таништирган сотувчининг тоқати тоқ бўлди:

- Буни ўқийдиган одам нархини мендан яхшироқ билади. Умрингизда шу газетани ўқиганмисиз ўзи? Нима қиласиз менинг вақтимни олиб? - дейди у иддао билан.

- Ўзингиз шу газетани ҳеч ўқиганмисиз?

- Мен учун бу товар — харидоргир товар.

- Қаердан оласизлар уларни?

- Ўзимизнинг «поставщик»ларимиз бор. Ташлаб кетишади. Биз сотиб берамиз. Тирикчилик, шундан чойчақа қолади.

Бозорни айланишда давом этамиз. Қайси сотувчи билан гаплашманг, нашрнинг мазмунидан кўра, харидоргирлиги кўпроқ қизиқтириши ойдинлашади.

Бозордан узоқлашар эканмиз, вужудимизни зиддиятли ҳис-туйғулар қамраб олгандек бўлди. Айтишларича, бу ердаги газета-журналлар бозори яқинда пайдо бўлибди. Илгари Матбуотчилар кўчасида, газета-журналлар таҳририятлари жойлашган бино атрофида ҳар пайшанба куни шундай манзарани кузатиш мумкин эди. Афтидан, «жой масаласи» ниҳоят ҳал бўлган кўринади. Бироқ...

Бизни масаланинг бошқа жиҳати ўйлантиради. Бозорда сотилаётган хорижий нашрларнинг маънавий зарари.

Аҳмаджоннинг: - Газетадаги суратларни кўриб, уялиб кетдим, - деган гапи минг бир мулоҳаза туғдиради.

Масалага ойдинлик киритиш мақсадида Тошкент шаҳар «Матбуот тарқатиш» уюшмаси акциядорлик жамиятига йўл оламиз.

- Бу масала кўпдан бери кўтарилади,- дейди мазкур жамият бош директори ўринбосари Жамолиддин Расулов.- Бироқ унинг ечимини топиш қийин кечяпти. Сиз айтаётган ўша бозорга мен ҳар пайшанба, тонг саҳарлаб бораман. Ўзимча бозорни кузатаман, муаммолар ечими ҳақида ўйлайман. Сир эмаски, уюшмамизга қарашли дўконларда ишлайдиган айрим сотувчилар хорижий нашрларни бозордан арзонроқ баҳога олиб, кейин уларни ўз дўконларида яшириб сотишади. Бундай ҳолатларни содир этганларга нисбатан тегишли чора кўрилади.

Четдан кириб келаётган нашрлар, асосан, бозорлар, метро бекатлари, кўча-кўй, хиёбонларда сотилади. Уларни тадбиркорлар олиб келишади.

- Муаммони қандай ҳал қилиш мумкин?

Газета-журнал келтираётган тадбиркорларни ўрганиш керак. Иккинчи масала эса сотувчиларнинг қўлида газета-журнал сотиш ҳуқуқини берувчи гувоҳнома (лицензия) борми-йўқми, шуни аниқлаш лозим.

Ҳар кимнинг ўзига яраша феъл-атвори бўлганидек, қизиқишлари ҳам ўзига хос бўлади. Табиатан кимдир китобга ўч бўлади, кимдир расм чизишга, кимдир шеър ёзишга, яна кимдир бойлик тўплашга қизиқади.

Бугунги ёшларнинг кўриш, тинглаш, ўқиб-ўрганиш, қиёслаш имкониятлари беқиёс. Ҳавасни келтирадиган, шу билан бирга ёшларни йўлдан оздиришга майл уйғотадиган нарсалар ҳам кўпаймоқда. Жумладан, маълумоту ахборотларнинг кўпайиб бораётганлиги ҳам қайсидир маънода бизни ташвишга солмоқда. Маълумки, кўп нарсани билишга интилиш ёшларнинг фикрлаш доирасини чуқурлаштиришга хизмат қилмайди. Кези келганда, ёшлар тўхтовсиз оқиб келаётган информация оламидан ўзлари учун энг кераклисини танлаб олишлари керак. Зеро, бирон-бир соҳада жиддий муваффақиятга эришмоқни истаган ёшлар, аввало, кўп нарсани (керақсиз нарсаларни) билишдан ўзларини тийишлари лозим. Тафаккур қудрати ҳам масаланинг моҳиятини теран англашга боғлиқдир.

Хорижий радио-телевидение тармоқлари, интернет тизими, чет эл газета-журналлари ҳар лаҳзада узатаётган беҳисоб ахборотларни турлича нуқтаи назарларни ифода этиши ҳеч кимга сир эмас. Президентимиз ҳақли равишда таъкидлаганларидек, **дунёда бир қарашда беозор, сиёсатдан холи бўлиб туюладиган шундай мафкуравий таъсир воситалари ҳам борки, уларга кўпинча етарлича эътибор беравермаймиз.**

Уларнинг ичидан қайси бири тўғри, қайси бири эса ғаразли қайфият ташиётганини билиб олиш учун ёшларда яхши билан ёмонни, оқ билан қорани фарқлаш туйғуси шаклланган бўлиши керак. Акс ҳолда бизнинг табиатимиз ва урф-одатларимизга тамомила зид бўлган ғоялар ёшларнинг онг-шуурида ўз асоратини қолдириши муқаррар.

Озода БЕКМУРОДОВА,
махсус мухбиримиз

***ТАҲРИРИЯТДАН:* Бу мавзу кўлами жиҳатидан анча кенг бўлиб, бир мақолада унинг барча қирраларини тўлалигича қамраб олиш имконияти ҳам йўқ. Гап шундаки, хорижий оммавий ахборот воситаларининг республикамиз ҳудудига кириб келиши-ю, тарқатилиши, қолаверса, уларнинг эътиқоди мустаҳкам бўлмаган баъзи ёшлар онгига салбий таъсир кўрсатиш эҳтимоли бўлган жиҳатлари махсус ўрганилиб, бу жараён тартибга солиниши лозим.**

Биз демократик жамият қуришга киришдик. Табиийки, унинг бағрида камол топаётган ёшлар ҳам дунёга очиқ кўз билан қарашга интилади. Шу нарса аёнки, миллий ғурури баланд, мақсади-ю, маслаги аниқ бўлган ёшлар ана шу имкониятлардан (эркин фаолият юритиш имкониятидан) оқилона фойдаланган ҳолда истиқлол иморатини бунёд этишда фаол иштирок этаяптилар. Шу билан бир қаторда, афсуски, мақолада таъкидланганидек, айрим ёшлар «тирикчилик» баҳонасида ёт мафкуралар таъсирига берилиб кетаётганликларини сезмай қолаяптилар. Хорижий нашрларнинг ана шундай тоифадаги ёшлар онгига келтирган маънавий зарарини қандай қоплаш мумкин? Бу иллатга бефарқ қараб бўлмайди. Бу тўғрисида сизнинг фикрингиз қандай? Ушбу мавзуга яна қайтамиз.

КУЛИНГ, УМРИНГИЗ УЗОҚ БЎЛАДИ

Бир кун чукоткалик бир киши тасодифан доллар топиб олибди. Ва у қувончи ичига сиғмай, милиция идорасига кириб келиб, шундай дебди:

- Мен Вашингтоннинг паспортини топиб олдим.

* * *

Она ўғлидан сўрабди:

- Ўғлим, ҳозиргина лайлак олиб келган сингилчангни кўришни хоҳлайсанми?

- Йўқ, сен яхшиси менга лайлакнинг ўзини кўрсат!

* * *

Психиатр қабулига келган қиздан сўрабди:

- Эрингиз яхши юрибдими?

- Мен ҳали турмушга чиқмаганман.

- Демак, эрингиз бўйдоқ экан-да...

* * *

Психиатр ҳузурига бошқа бир киши келиб, уйқусидан шикоят қилибди:

- Дўхтир, кўзимни юмиб, уйқуга кетдим дегунча тушимда сичқон футбол ўйнайди. Шундан безорим чиқиб кетди. Ёрдам беринг.

- Хўш, манави дорини уйқуга ётиш олдидан бир дона ичсангиз, тинч ухлайсиз, тушингизда ҳеч нарса безовта қилмайди.

- Шуни эртага ичсам бўладими?

- Нега?

- Бугун тунда финал бўлади.

* * *

Яна бир киши дўхтир ҳузурига келиб шундай дебди:

- Дўхтир, биласизми, ғалати касалга чалиниб қолдим: ўзимга ўзим хат ёзиб, почта орқали жўнатаман. Бугун эрталаб охирги хатни ёзиб, почта қутисига ташладим.

- Хўш, шунақа денг. Айтинг-чи, охирги хатингизда нималарни ёздингиз?

- Мен қайдан биламан. Хатни олганимдан сўнг маълум бўлади-да...

Саволлар беринг!

Уларни хат ҳамда 133-70-65, 132-14-18 рақамли телефонлар орқали кутамиз.

Ҳурматли таҳририят!

Газетангиз саҳифаларида фуқаролар саволларига берилаётган жавобларни ўқиб, хурсанд бўлдим. Хайрли ишга қўл урибсизлар, раҳмат.

Мени ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болалар тақдири қизиқтиради. Қонунларимизда уларга васийлик ва ҳомийлик тўғрисида нималар дейилган? Шулар тўғрисида батафсил маълумот берсангиз.

Ғ.ҚОДИРОВА,
Навоий вилояти

Газетхоннинг бу саволига Бухоро вилояти, Олот тумани ФХДЁ бўлимининг мудири Т.ҚОРЁҒДИЕВ жавоб беради.

Ўзбекистон Республикаси Оила Кодексининг 173-193-моддалари ҳамда Республикамиз Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 апрелдаги 171-сон қарори 2-иловаси билан тасдиқланган **«Ўзбекистон Республикасида васийлик ва ҳомийлик тўғрисида»**ги Низомда васийлик ва ҳомийликнинг қачон белгиланиши, кимлар васий ёки ҳомий бўлиши, васийлик ёки ҳомийликни расмийлаштириш учун талаб қилинадиган ҳужжатлар ва бу масалани қамраб олувчи бошқа ҳолатлар ёритилган.

Васийлик ва ҳомийлик ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг муҳофазасини таъминлаш, уларни тарбиялаш ва таълим бериш, шунингдек, уларнинг шахсий ва мулкий ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоялаш мақсадида белгиланади.

Васийлик — 14 ёшга тўлмаган болаларга ва суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган шахсларга;

Ҳомийлик — 14 ёшдан 18 ёшгача бўлган вояга етмаганларга ва суд томонидан муомала лаёқати чекланган деб топилган шахсларга нисбатан қуйидаги ҳолларда белгиланади:

1. Ота-онаси вафот этган; 2. Ота-онаси суд қарори билан ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилган ёки уларнинг ота-оналик ҳуқуқи чекланган; 3. Ота-онаси касал бўлган; 4. Ота-онаси суд қарори билан муомалага лаёқатсиз деб топилган; 5. Ота-онаси 6 ойдан ортиқ муддатда бўлмаган ҳолларда (агар болалар манфаатлари учун зарур бўлса); 6. Ота-онаси бедарак йўқолган; 7. Ота-онаси болаларни тарбиялаш ёки уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишдан бўйин товлаган, шу жумладан, ота-она тарбия, даволаш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ва шунга ўхшаш муассасалардан боласини олишдан бош тортганда; 8. Бошқа зарур ҳолларда.

Соғлигининг ёмонлиги сабабли мустақил равишда ўз ҳуқуқларини амалга ошира олмайдиган ва мажбуриятларини бажара олмайдиган вояга етган, муомалага лаёқатли шахсларга нисбатан ҳомийлик шу шахсларнинг илтимосига биноан белгиланиши мумкин.

Васийлик ва ҳомийлик вазифаларини амалга ошириш қуйидаги муассасалар зиммасига юкланади:

1. 18 ёшга тўлмаган шахсларга нисбатан халқ таълими бўлимларига;

2. Суд томонидан муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган шахсларга нисбатан соғлиқни сақлаш бўлимларига;

3. Соғлиги ёмонлиги сабабли ҳомий тайинлашга муҳтож бўлган муомалага лаёқатли шахсларга нисбатан ижтимоий таъминот бўлимларига.

Васийлик ва ҳомийлик органларидан ташқари бошқа юридик ва жисмоний шахсларнинг ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни аниқлаш ва жойлаштириш бўйича фаолият юритишига йўл қўйилмайди.

Қуйидаги шахслар васий ва ҳомий қилиб тайинланиши мумкин эмас:

1. Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ёки ота-оналик ҳуқуқи чекланганлар.

2. Қонунда белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилганлар.

3. Собиқ фарзандликка бола олувчилар, агар фарзандликка бола олганлиги Оила Кодексининг 169-моддаси тартибида бекор қилинган бўлса.

4. Қонун билан зиммаларига юкланган мажбуриятларини лозим даражада бажармаганликлари ёки ўз ҳуқуқларини суиистеъмол қилганликлари учун васийлик ва ҳомийлик вазифаларидан четлатилганлар.

5. Руҳий ёки наркологик муассасаларда рўйхатда турганлар.

6. Қасддан содир этган жинояти учун илгари ҳукм қилинганлар.

Васийлик ёки ҳомийликни расмийлаштириш учун қуйидаги ҳужжатлар талаб қилинади:

1. Васийликка ёки ҳомийликка олувчиларнинг исми-фамилияси, отасининг исми, яшаш жойи, никоҳда қачондан бери турганлиги ва уларнинг бирга ёки алоҳида яшаши, оилада фарзандлар бўлса - уларнинг сони ва ёши ҳамда васийлик ёки ҳомийликка олинувчининг фамилияси, исми, отасининг исми, ёши, шунингдек, васийлик ёки ҳомийликка олиш асослари кўрсатилган ариза.

2. Шахсини тасдиқловчи ҳужжат.

3. Турар жойидан оила аъзолари кўрсатилган маълумотнома.

4. Никоҳ гувоҳномаси (агар ажрашган бўлса, ажралиш ҳақидаги гувоҳнома, 1.09.1998 йилдан кейин ажрашганлардан суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори талаб қилинади).

5. Иш жойидан иш ҳақи кўрсатилган маълумотнома.

6. Иш жойи ёки турар жойидан тавсифнома.

7. Васий ва ҳомий бўлишни истовчи шахсларнинг соғлиги тўғрисидаги врачлик маслаҳат комиссиясининг хулосаси, руҳий ва наркология муассасалари, тери-таносил диспансери маълумотномалари.

Қўшимча равишда васийлик ва ҳомийлик органлари томонидан васийлик ва ҳомийликка берилаётган шахс тўғрисида қуйидаги ҳужжатлар тайёрланади:

1. Туғилганлик ҳақида гувоҳнома (паспорт) нусхаси.

2. Ота-онасининг ўлими ҳақидаги гувоҳномалар нусхаси ёки ота-онасининг ёки улардан бирининг ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум бўлганлиги, муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланганлиги ёхуд бедарак йўқолган деб топилганлиги ҳақидаги суд қарори.

3. Ота-оналарнинг болаларни тарбиялашдан ва таъминотидан бўйин товлаганлиги ҳақидаги, ота-оналарга қидирув эълон қилинганлиги ҳақидаги ҳужжатлар, ички ишлар, даволаш ва шунга ўхшаш бошқа муассасаларнинг болалар ота-онасиз келганлиги тўғриисдаги далолатномалари.

4. Саломатлиги тўғрисида тиббий муассасанинг хулосаси.

5. Васийлик ёки ҳомийлик белгиланаётган шахснинг турар жойи, мол-мулки тўғрисидаги маълумот.

6. Васийлик ва ҳомийлик органининг болани васийлик ёки ҳомийликка олишни хоҳлаётган оиланинг маиший турмуш шароитлари, оила аъзоларининг саломатлиги ва оиланинг бошқа шароитлари тўғрсидаги текширув далолатномаси.

Васийлик ёки ҳомийлик васий ёки ҳомий бўлишни хоҳловчи шахсларнинг аризасига биноан туман ёки шаҳар ҳокимининг қарори билан белгиланади.

Васийлик ва ҳомийлик васий ёки ҳомий тайинланишига муҳтож бўлган шахс яшаётган жойда, агар шахснинг муайян яшаш жойи бўлмаса, васий ёки ҳомий яшаётган жойда белгиланади.

Ушбу сонда мухбиримиз Нурмамат АЛМУРОДОВ олган суратлардан фойдаланилди.

Во ажаб!

ЎҒРИ КИМНИНГ ҚЎШНИСИ?

Самарқанд кўчаларини ёритишга хизмат қиладиган ҳар бири 18 минг сўмлик 11 та уч фазали электр ҳисоблагичи, ҳар бири 7 минг сўмлик 9 дона магнитли қўшгични ва 1,5 минг сўмдан турадиган 24 та электр ускунасини гумдон қилган ўғрилар қидирилмоқда.

- Бу ҳақда жойлардаги ички ишлар идораларига зудлик билан хабар қилганмиз, - деди «Самарқандчирок» ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари А.Косьянов «Туркистон-пресс» мухбирига. - Афсуски, ҳозирча ўғриларнинг бирортаси ҳам топилганича йўқ. Шу боис биз аҳолига мурожаат қилиб, ўғрилар ҳақида хабар беришларини сўрадик, фойдаси бўлмади. Очиғи, ускуналар тунда эмас, куппа-кундузи ўмариб кетилаяпти. Уни кўчадан ўтаётган бирор киши кўрмай қолиши мумкинми? Албатта йўқ. Ёки ўғрилик мол бирор жойга яширилса, уни қўшнилар кўрмай қолармикин? Кўришади, билишади, бироқ айтишга чўчийди. Ке, қўй нима қиламан бошимни оғритиб, дейди. Оқибат ўғрилар топилмаяпти. Эгаси минг пойласин, ўғри эса бир пойласин, деганлари шумикан дейман.

А.Косьяновнинг таъкидлашича, уч фазалик электр ҳисоблагич, магнитли қўшгич, ток трансформаторлари нафақат қимматбаҳо,балки ўта камёб ускуналар ҳисобланади. Ўғрилар эса ўшандай ускуналарни чайқовчиларга арзон гаровга пуллаб юборишаётганига ёки арзимаган баҳода шахсий қурилишларга ишлатиб юбораётганликларига ачинасан, киши. Баъзан айрим кимсалар ўзларини «электр корхонасиданмиз» дея таништириб, уйларга, офис ва бошқа иншоотларга ўмарилган асбоб-ускуналарни ўрнатиб кетишади. Хонадон соҳиблари ана шундай ҳожатбарорлардан эҳтиёт бўлишлари керак.

- Агар кўчангизда тунги чироқлар ўчган бўлса, худа-беҳудага соҳа ходимларини айблаб юрманг. Ёритгичларни ўғирлаётган кимсалар сизу бизнинг орамизда, у кимнингдир қўшниси. Ўғриларни фош этишдан тортинманг, - деди сўзининг якунида А.Косьянов.

Самарқанд вилояти,
«Туркистон-пресс»

Ўйин завқи

1996 йилнинг январидан нашр этилади
ИНСОН ва ҚОНУН
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

МУАССИС
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

1998 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00141-рақам билан рўйхатга олинган

Бош муҳаррир Шодиқул ҲАМРОЕВ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ
Гайбулло РАҲИМОВ
Шуҳрат РЎЗИНАЗАРОВ
Эркин ҚУДРАТОВ
Аслиддин БОЛИЕВ
Абдил ТЎХТАШЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Шуҳрат ФАЙЗИЕВ
Ғафур АБДУМАЖИДОВ
Рўзибой САИДОВ
Нормейли НОРПЎЛАТОВ
Миршоҳид МИРҲАМИДОВ

Индекс: 646882

«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмида, офсет усулида «Шарқ» нашриёт матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-945 Тиражи-10.000.
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 20.00

Навбатчи: О.БЕКМУРОДОВА
Компьютерда оригинал макет тайёрловчи: Л. КУЛИШОВА
Компьютерда матн терувчи: М. ДЎСТОВА

МАНЗИЛИМИЗ:
700047, Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси-5.
Тел: 132-14-18 (умумий бўлим), 133-70-65

Таҳририятга юборилган қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва уларга ёзма жавоб берилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин. Факт ва далиллар тўғрилиги учун масъулият муаллифлар зиммасида-